

Тўрт юз теримчининг ўрнини босувчи замонавий машина

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИШЛАРИГА БИР НАЗАР.

Ҳадемай, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари учун масъулиятли палла — пахта ҳосилини йиғиб олиш ишларига киришяпти. Бунда, табиийки, пахта териш машиналарининг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, пахтачилик ривожининг замонавий ҳолати пахта етиштириш ва ҳосилни йиғиштириб олишнинг барча жараёни қай даражада механизациялашганига боғлиқ.

Айтиш жоизки, сифатли пахта ҳосилини механизация ёрдамида йиғиштириб олиш бир қатор омилларга боғлиқ. Жумладан, бунинг учун экин майдонларини лазерли текислаш, машина теримига мос пахта навларини аниқ уяли сеялаларда экиш, қатор орасига ишлов бериш, вақтида чилпиш, сифатли дефолиация қилиш, замонавий ва юқори самарали пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш, сервис хизматлари кўрсатиш ҳамда таъмирлаш базасини ривожлантириш, терилган пахта хом ашёсини ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича малакали кадрларни тайёрлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Эътиборлиси, республикамызда бу борадаги ишлар, аллақачон, бошлаб юборилган. Унинг ҳуқуқий асослари яратиб берилмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Аниқ мақсадли ташаббус

Президентимиз ташаббуси билан замонавий, юқори самарали пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш ва терим-
ни машинада ташкил этиш ҳисобига пахта теримини механизациялаштириш даражасини ошириш мақсадида 2020 йил 14 январда Вазирлар Маҳкамасининг "Республика ҳудудларида пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиндики, у мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

ДУНЁНИГОҲИ

«Халқ сўзи» учун махсус

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллиги нишонланаётган кутлуг кунларда хорижий оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз ва унинг замонавий тараққиётига бағишланган қатор мақолалар ҳамда лавҳалар эълон қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ДУНЁ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА АКС САДО БЕРМОҚДА

“The Korea Times” (Корея Республикаси):
“Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар страте-

The Korea Times

гиясида акс этган ғоя ва ташаббуслар сўнгги йиллардаги Ўзбекистон изчил тараққиётининг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” ғоясининг ҳаётга татбиқ этилиши дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда.


“Россия 24” телеканали Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йилгирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқига бағишланган махсус репортажни бир неча маротаба намойиш қилди. Айниқса, Ўзбекистон

чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Телеканал ижодкорлари Ўзбекистон Президентининг “Кенг жамоатчилик, эл-юртимиз барча ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бунёдкорига айланмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясида эканини, қонун ва адолат кучини ҳис этиб яшамоқда”, дея айтган сўзлари барчани ларзага солганини эътироф этади.

Репортаж сўнггида Ўзбекистон Президентини Россия Президенти В. Путин мустақиллик байрами билан табриклагани эслатиб ўтилади. “В. Путин Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳада катта ютуқларга эришаётганини эътироф этди”, дейилади лавҳада.

“Вестник Кавказа” тахлилий электрон журналида “Тўрт йил мобайнида Шавкат Мирзиёев президентлигида Ўзбекистонда нималар ўзгарди?” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Материалда қайд этилганидек, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланганидан сўнг ислохотлар ҳамда очиқлик сиёсатини таллади ва натижада қисқа муддатда мамлакатни мутлақо янги тараққиёт даражасига олиб



чиқди. Давлат раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётни ҳамда бизнес муҳитини либераллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилган эди. Бу йўналишда олиб брилган ишларнинг самараси ўлароқ, агар илгари “Ўзбекистон” деганда пахта хаёлга келган бўлса, энди Ўзбекистон дунёнинг 42 та давлатига ўз товарларини экспорт қиладиган етакчи мамлакатга айланди.

Олий Мажлис Сенати

Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳамда Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламентининг Гендер тенглик масалалари комиссияси аъзоларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти истикболларига бағишланган онлайн йиғилиши бўлиб ўтди.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ЁШЛАР НИГОҲИДА

Унда сўз олганлар мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратиб келинаётганини таъкидладилар. Бу йўналишдаги долзарб вазифаларни ҳал қилишда фаол ёшлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг ғоялари ҳамда тақлифларини инобатга олиш кутилган натижа беради. Шу жиҳатдан йиғилишда Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ва Ёшлар парламенти ўртасида опа-сингилларимизнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида биргаликда олиб борилиши зарур бўлган вазифалар ҳусусида сўз юритилди.

Бунда Ёшлар парламентининг Гендер тенглик масалалари комиссиясининг имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича тақлифлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси бугун, 2020 йил 11 сентябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида видеоконференция тарзида бўлиб ўтади.

БИЗ ва ЖАҲОН

Ҳиндистон жамоатчилиги: ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИДА ИЛДАМЛАМОҚДА

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг самаралари ҳусусида нафақат юртдошларимиз, балки халқаро жамоатчилик, сиёсий институтлар, “ақл марказлари” ва экспертлар томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар доимо муҳим аҳамият касб этиб келган.

Қуйида Ҳиндистон жамоатчилигининг кейинги йиллардаги ўзгаришларга муносабати билан танишасиз.

Соҳам ДАС, “Tillotoma Foundation” ташкилоти директори:

—Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг муҳим давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар стратегик шериклик ва дўстона муносабатлар тамойиллари асосида изчил ривожланиб борапти.

Бугунги кунда икки томонлама алоқаларнинг барча йўналиши, жумладан, фармацевтика, таълим, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, туризм, муқобил энергетика, ядро энергияси, илм-фан ҳамда бошқа кўплаб соҳаларда ўзаро ман-



фаатли шериклик ривожланиб борапти. Бизнинг тузилма йирик “ақл марказлари”дан бири саналиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа йўналишлардаги ўзгаришларни таҳлил қиламиз.

Кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон хорижий давлатлар, хусусан, Ҳиндистонлик инвесторлар учун истиқболли манзилга айланди.

Правеш ГУПТА, “Vivekananda International Foundation” тахлил марказининг Марказий Осиё масалалари бўйича эксперти:

—Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида минтақавий ва яхши қўшничилик масалаларига устувор йўналиш сифатида эътибор қаратапти.

Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилган

қатор долзарб ташаббуслар ҳамда амалий қадамлар, хусусан, олий даражадаги ўнлаб учрашувлар минтақада ўзаро ишонч ва дўстона муҳитни шакллантирди. Ушбу саёбхарақатларнинг ёрқин натижаси ўлароқ, 2018 йил март ойда Нурсултон шаҳрида ҳамда 2019 йил ноябрь ойда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари бўлиб ўтганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тошкент учрашувининг ўзига хослиги шундан иборат бўлдики, тадбирда минтақанинг барча давлатлари раҳбарлари иштирок этди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳукуматининг Афғонистон йўналишидаги ташқи сиёсатини ижобий баҳолайман. Сўнгги тўрт йил ичида ўзаро муносабатларнинг ҳар томонлама ривожланганлиги, Ўзбекистоннинг “афғон муаммоси”ни ҳал этишга қаратилган халқаро платформалардаги фаол иштироки юксак эътирофга лойиқ.



Олий Мажлис Сенати ялпи мажлиси олдида

ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Бугун иқтисодиётнинг глобаллашуви шиддатли тус олган, хўжаликлараро, давлатлараро алоқалар ривожланаётган бир пайтда ҳам миллий, ҳам халқаро даражада бозор муносабатларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган халқаро арбитраж тижорат низоларини ҳал қилишнинг муқобил, сўддан ташқари шакли сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Ўз ўрнида, Ўзбекистонда халқаро тижорат арбитраж судларининг фаолиятини ташкил қилиш ва тугатиш тартибини ҳуқуқий тартибга солиш, халқаро тижорат арбитраж суди фаолиятининг асосий принципларини белгилаш, шунингдек, хорижий инвесторлар, миллий компанияларни чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоясини таъминлаш зарурияти туғилди.

Шунингдек, низоларни қуришда хўжалик юритуви субъектларнинг сарф-харажатларини қисқартириш, арбитраж ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижро этиш механизмларини белгилаш ҳамда шу асосда халқаро шартномаларнинг низоли масалаларини ҳал қилишда мамлакатнинг минтақадаги обрўси-

ни ошириш мақсадида “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилди.

Ушбу қонун илк маротаба Қонунчилик палатаси томонидан тақдим қилинганда қонуннинг қўлланилиш соҳаси тегишлича ёритилмаганлиги, халқаро тижорат арбитражи кўриб чиқиши мумкин бўлган низо предмети тўлиқ акс эттирилмаганлиги, арбитражлар ҳамда арбитраж муҳокамаси қатнашчилари имунитети тўғрисида норма белгиланмаганлиги каби бир қатор масалаларга оидинлик қиритиш мақсадида Сенатнинг 2-ялпи мажлисида рад қилинган ва юзага келган қелишмовчиликларни бартараф этиш учун Олий Мажлис палаталари аъзоларидан иборат қелишув комиссияси тузилган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИДА ТАКЛИФ ВА ТАҲЛИЛЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ

Аввал хабар қилинганидек, шу ҳафта бошида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида янги қонун лойиҳалари билан бир қаторда, мамлакатимиздаги моддий маданий мерос объектларини ЮНЕСКО рўйхатига қиритиш, улар муҳофазасини кучайтириш, бу бўйича тақлифлар тайёрлаш борасида масъул вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги парламент сўровига жавоб ҳам кўриб чиқилди. Парламент аъзолари ҳар бир масалага жиддий ёндашган ҳолда чуқур таҳлил қилдилар.

Муҳабиримиз бу борада депутатларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— “Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасида қўйи палата мажлисида депутатлар томонидан иккинчи ўқишда моддама-модда қиз-гич муҳокамадан ўтказилиб, тегишли қарор билан қабул қилинди.

Лойиҳани биринчи ўқишда қабул қилиш жараёнида депутатлар томонидан унинг қонунчилик нормаларига риоя этилишида жиддий камчиликлар ва амалдаги қонунчиликка зид нормалар мавжудлиги, мазкур соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бюрократик тўсиқларнинг сақланиб қолганига қарши қўйи қўллаб-қувватлаш ҳамда тақлифлар қилиб тушган эди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда эса унга масъул бўлган — Саннат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзолари, тегишли мутахассислар ҳамда депутатлар иштирокида ишчи гуруҳи йиғилишлари ўтказилди.

Ўиндистон жамоатчилиги:
ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН
РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИДА
ИЛДАМЛАМОҚДА

**Ашок ДАРЯНИ,
Шарда университетининг халқаро алоқалар бўйича
вице-президенти:**

— Мамлакатингизда фаолият юритаётган олий ўқув юртининг ва-кили сифатида хорижий инвесторлар учун яратилган имкониятлар бўйича ўз фикрларим билан ўртоқ-лашсам.

Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг камровли ислохотлар қаторида таълим соҳасидаги ўзгаришлар диқ-қатга сазовор. Жумладан, Андижон-да Шарда университети филиали-нининг очилиш жараёнида мамлака-тингиз ҳукумати томонидан кўрсат-тилган ҳар томонлама амалий кўмак, илқ ва самимий муносабат ҳамда хорижий инвесторлар фаоли-ятига нисбатан жойлардаги хайри-хоҳлики юксак қадрлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўиндистонга таширифидан сўнг қисқа муддатларда Шарда университели-нининг хориждаги илк филиали Анди-жон шаҳрида ўз фаолиятини бош-лаганлиги биз учун улкан ютуқ бўлиш

**Маниш МОХАН,
Ўиндистон саноат конфедерацияси ҳудудий департаменти
директори:**

— Ўзбекистон ва Ўиндистон ўрта-сида савдо-иқтисодий, маданий-маърифий ҳамда ижтимоий соҳалар-да Буюк Ипак йўли ва ҳатто ундан аввалги даврлардан буён яқин ҳам-корлик ўрнатилган.

Ушбу муносабатлар Ўзбекистон мустақилликка эришган ва айниқса, сўнгги йилларда давлатлар раҳбар-лари томонидан олиб борилаётган ислохотлар доирасида ривожланиб, кўлам ҳамда қамрови жиҳатидан яна-да юқори даражада кенгайиб борапти.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тад-биркорлики кўлаб-қувватлаш соҳа-сида амалга оширилаётган ислохот-лар натижасида мамлакат маҳсулот-ларининг хорижий давлатлар, хусусан, ҳинд бозоридagi улуши анча ошган. Бундан ташқари, соҳадаги сўнгги ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон 2019 йилда тадбиркорлик муҳитини яратиш борасида юқори натижалар-га эришган илгор 20 та давлат рўйха-тидан жой олган бўлса, 2020 йилда “Doing Business 2020” рейтингида 76-погонадан 69-ўринга кўтарилгани

мамлакатда ушбу йўна-лишда жуда тўғри ва чуқур ўйланган дас-тур асосида тизимли иш-лар олиб бо-рилаётганини англатади.

Бизда қайта тикланадиган энер-гия тармоғи, хусусан, қуёш ҳамда шамол энергияларидан фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ишларни эътиборда тутиб, Ўиндистон саноат конфедерацияси ушбу йўналишлар-да ўзбекистонлик тадбиркорлар бил-лан яқиндан ҳамкорлик ўрнатишга тайёригичини билдирамыз.

Ишончли комили, Ўзбекистон ва Ўиндистон ўртасида инвестиция со-ҳасида кенг кўламли ҳамкорлик им-кониятларининг мавжудлиги икки мамлакат тадбиркорларини бирга-ликда ишлашга ундайди.

**Алишер БЕРДИЕВ
«Халқ сўзи»** тайёрлади.



2020 — 2030 йилларда кишлоқ хўжалигини ривожлантириш стра-тегияси доирасида республикада агробизнес юрийтиш учун қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда, деб ёзади мақола муаллифи Екатерина Винник. Хусусан, кластер тизи-мининг йўлга қўйилганига юқори баҳо берилиб, у кишлоқ хўжалиги экинларидан самарали фойдала-ниш, ҳосил миқдорини ошириш ва ер ресурсларидан оқилона фойда-ланиш имкониятини бериши таъ-кидланади. Шу билан бирга, “ра-қамли иқтисодиёт” замонавий Ўзбекистоннинг “янги юзи”га ай-ланмоқда. 2018 йилдан бошлаб республикада блокчейн технология-си ривожланмоқда, “Digital Trust” жамғармаси ташкил этилди, Мар-

казий Осиёда биринчи “Uznex” криптобиржаси очилди.

“Вестник Кавказа” порталининг ёзишича, мамлакат ичидаги ютуқ-тегияси доирасида республикада агробизнес юрийтиш учун қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда, деб ёзади мақола муаллифи Екатерина Винник. Хусусан, кластер тизи-мининг йўлга қўйилганига юқори баҳо берилиб, у кишлоқ хўжалиги экинларидан самарали фойдала-ниш, ҳосил миқдорини ошириш ва ер ресурсларидан оқилона фойда-ланиш имкониятини бериши таъ-кидланади. Шу билан бирга, “ра-қамли иқтисодиёт” замонавий Ўзбекистоннинг “янги юзи”га ай-ланмоқда. 2018 йилдан бошлаб республикада блокчейн технология-си ривожланмоқда, “Digital Trust” жамғармаси ташкил этилди, Мар-

илгари ёпиқ ва проекционистик сиёсат тарафдори бўлган Ўзбекис-тон Шавкат Мирзиёев раҳбарли-гида очик, проактив ҳамда праг-матик ташқи сиёсатга ўтди. Халқ-аро ҳамжамиятда “Дўстона

Ўзбекистон” янги феноменга айланди. Муаллифнинг фикрича, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик-нинг тикланиши, Россия, Хитой ва АҚШ каби йирик мамлакатлар би-лан мутлақо янги руҳ ҳамда маз-мундаги алоқаларнинг йўлга қўйи-лиши хавфсизлик, инвестициялар, маданият ва экология соҳаларида Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи кескин ортишига хизмат қилди. Сиёсий пойдевор асосида хори-жий ҳамкорлар билан товар ай-ланмаси ҳам мисли қўрилмаган суръатларда ошиб, икки ҳамда кўп томонлама транспорт ва энерге-тика йўлақларида Ўзбекистон ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб бо-раётир.

Ўзбекистонда кечаётган ижобий ўзгаришлар халқаро ҳамжамият томонидан бир овоздан эътироф

этилмоқда, деб ёзади россиялик таҳлилчи. Хусусан, “The Economist” журнали Ўзбекистонни “Йил мамлакати” сифатида тан олди, 2020 йили республика “Глобал ин-новация” индексидан жой олди. 2035 йилга бориб, Ўзбекистон дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ри-вожланган 50 та давлати сафига қўшилиши кутилмоқда.

Покистоннинг “Daily Spokesman” газетаси сўнгги йилларда халқаро жамоатчиликда



“Янги Ўзбекистон” ибораси кенг қабул қилинганини таъкидлайди. Бу мамлакат тараққиётнинг мут-лақо янги босқичига қадам қўйга-ни, эришаётган залварли ютуқла-

ри кенг эътироф этилаётганидан далолат беради.

“Президент Шавкат Мирзиёев байрам куни сўзлаган нутқида ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ре-нессанс даврига пойдевор ярати-лаётганини эълон қилди. Давлат раҳбари айтганидек, бугунги Ўзбе-кистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”, деб ёзилади газетда.

Покистонлик журналистларнинг фикр билдиришича, дунёда турли хавф-хатарлар, манфаатлар тўқна-шуви кучайиб бораётган бугунги таҳликали вазиятда Ўзбекистонда шаклланган янги тизим ўзини тўла оқламоқда.

**Анвар МИРЗАЕВ
«Халқ сўзи»** тайёрлади.

Ўрмон хўжалиги:
МИЛЛИАРДЛАБ ДАРОМАД ТОПИШ
ИМКОНИЯТИДАН ҚАЧОН ФОЙДАЛАНАМИЗ?

Ўрмон хўжалигини ривожлантиришнинг ижобий томонлари кўп. Ўрмон, бу аввало, яшиллик олами, экологияга ижобий таъсир демакдир. Табиатнинг бу бебаҳо неъматини неча минг йиллардан бери инсониятга ҳамроҳ бўлиб, хизмат қилиб келмоқда. Бугунги кунда ўрмонларнинг аҳамияти янада ошди. Иқтисодиётнинг ресурс базасини кенгайтириш, доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлашда ўрмонларнинг муҳим ўрни бор. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда ушбу соҳага эътибор янада кучайди. Ўрмон фонди ерлари 12 миллион гектарга етказилди.

Фикр

Давлатимиз раҳбари томонидан шу ма-салада ўтказилган видеоселектор йиғи-лишида бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги таъкидланди, келгу-сидаги устувор вазифалар белгиланди. Хусусан, Президентимиз бир қатор вило-ятлар, жумладан, бу йўналишда Сурхон-дарё вилоятида ҳам катта имкониятлар борлиги, уларни халқимизнинг обод тур-муши учун сафарбар қилиш мумкинлиги-ни кўрсатиб ўтди.

Ҳақиқатан ҳам, Сурхон воҳасида ўрмон хўжалигини янада ривожлантириш учун та-биат инъом этган неъматлар бисёр. Бир-гина мисол. Вилоятда Бойсун, Сурхондарё, Боботоғ, Узун ва Қизирқ давлат ўрмон хўжаликлари ҳамда Ҳисор ихтисослашти-

рилган ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 376 минг 73 гектарни ташкил қилади. 2020 йилнинг ўтган даври мо-байнида воҳада 122 гектар майдонда ихо-та ўрмонзорлари барпо этилди, 633 гек-тар ер майдони ўзлаштирилди.

Видеоселектор йиғилишида ўрмон фон-ди ерларини ўзлаштиришга ҳам субсидия ва имтиёзлар жорий қилиш, хусусан, су-ғориш насослари харидини, қудуқлар қазииш ишларини молиявий кўлаб-қувватлаш му-ҳимлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари кўп жойларда, жумладан, Узун, Бойсун туманларида ўрмон хўжалиги резервлари-дан фойдаланиш ишлари етарлича ташкил этилмаганини танқид қилди. Албатта, бун-дан тўғри хулоса чиқаришимиз керак.



Бугун соҳани янада ривожлантириш ма-саласи кун тартибига чиқди. Яқинда вило-ят ўрмон хўжаликларининг 27 минг 500 гектар майдонида 1100 гектар pista плантациялари барпо этилади. Шу билан бирга, 2020-2021 йилларда 2 минг гектар ҳудудда ёнғоқ ва pistaзорлар ташкил қилинади. 70 гектар майдонда тезўсар ҳамда ёғочбop павловния дарахтлари экилади.

Имкониятлардан унумли фойдаланил-са, Узун туманининг Боботоғ ҳудудида етиштириладиган 27 минг гектардаги pistaзорнинг ўзидан келадиган даромад 25 миллиард сўмдан ошиб кетиши ёки каврак доривор ўсимлиги экспортининг

ўзи 10 миллион долларлик даромад келтириши мумкин. Вилоятимизда етиштирилаётган ва ўзининг илк ҳосили нишонасини кўрсатаётган шафран ўсим-лигидан келадиган даромаднинг чўғини ҳам тадбиркорлар баланд кўрмоқда. Ўрмонлар — юрт бойлиги. Табиатнинг шифобахш неъматларини асраб-авайлаш, ўрмон хўжалигини ривожлантириш фаро-вонлик ошишига, янги иш ўринлари кўпа-йишига кенг йўл очади. Зеро, бой заминнинг халқи ҳам бой бўлиши керак.

**Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

ЭЪЛОН

Jurnalistlar uchun ijodiy tanlov:

«Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili»

«COSCOM» uyali aloqa operatori («Ucell» savdobelgisi) jurnalistlar uchun «Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili» mavzuida tanlov e’lon qiladi.

Tanlov Prezidentning «Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili»da 2017 — 2021-yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasi to’g’risidagi 5953-sonli Farmonini amalga oshirish maqsadida tashkil etiladi.

TANLOV MAQSADI

— 2017 — 2021-yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasi asosida «Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili»da axborot texnologiyalari, shu jumladan, uyali aloqani rivojlantirishdagi ijobiy o’zgarishlar va tendensiyalar to’g’risida jamoatchilikni xabardor qilish;

— O’zbekiston ommaviy axborot vositalarining ijodiy va jamoat faoliyatini rag’batlantirish;

— Telekommunikatsiya sohasida yozuvchi, jurnalist va bloggerlarni qo’llab-quvvatlash.

TANLOVDA ISHTIROK ETISH SHARTLARI VA MUDDATI

O’zbekiston Respublikasi elektron va nashriy ommaviy axborot vositalarining vakillari bo’lgan jurnalist va bloggerlar, ish tajribasi, faoliyat sohasi va shaxsiy qarashlari, e’tiqodi, individual sifatlari bilan bog’liq boshqa sabablardan qat’i nazar, shaxsiy bloglar va Internet resurslar tanlovda ishtirok etishlari mumkin.

O’zbekiston ommaviy axborot vositalarida: gazeta, jurnal, televideniye, radio, Internet nashrlar (Uz domeni) va shaxsiy bloglar, Telegram kanallari, ijtimoiy tarmoqlar va axborot agentliklarida 2020-yil 7-sentabrdan 2020-yil 1-dekabrgacha e’lon qilingan ishlar tanlovda ishtirok etish uchun qabul qilinadi.

Tanlovga materiallar o’zbek, qoraqalpoq va rus tillarida qabul qilinadi.

MATERIALLARGA TALABLAR:

Tanlovda qatnashayotgan materiallar sifatida:

- internetda va/yoki bosma nashrda joylashtirilgan, audio va video formatda ommaviy axborot vositalarida e’lon qilingan notijorat materiallar ko’rib chiqilishi mumkin.
- Ushbu shartlarning talablariga javob bermaydigan materiallarni taqdim etgan shaxslar tanlov ishtirokchisi deb hisoblanmaydi.
- E’lon qilingan materiallar oldin chop etilmagan va aniq misollarda raqamli o’zgarishni ko’rsatishi maqsadga muvofiqdir;
- axborot texnologiyalari, uyali aloqa rivojlanishi tufayli sharoitlar ijobiy tomonga o’zgargani bo’yicha tajriba;
- internet tarmog’idan foydalanishni kengaytirish namunalari, uyali aloqa tarmog’ini va boshqa zamonaviy telekommunikatsiya xizmatlarini rivojlantirish va modernizatsiya qilish misollari;
- korxonalarda, o’rta maktablarda va boshqa davlat muassasalarida raqamli texnologiyalarni rivojlantirish uchun maxsus yaratilgan yoki yaratilayotgan sharoitlar;
- mamlakatimizda raqamli infratuzilmani rivojlantirishga qaratilgan harakatlar;
- «COSCOM» MChJ («Ucell» savdo belgisi) faoliyati;
- dijitalizatsiyaning ijtimoiy ahamiyati va iqtisodiy hisssasi.

TANLOVGA YO’NALTIRILADIGAN ISHLARNING TARKIBI

Nomzodlarning taqdim qilayotgan ishlari va hujjatlari quyidagi talablar bo’yicha rasmiylashtiriladi:

- Jo’natilayotgan hujjatlarga tanlovda ishtirok etayotgan shaxs haqida qisqacha ma’lumot, u bilan bog’lanish mumkin bo’lgan ma’lumotlar (e-mail majburiy), telefon va qaysi OAV nomidan qatnashayotgani to’g’risidagi axborotlardan tashkil topgan maxsus so’rovnoma qo’shiladi.
- So’rovnomaga ilova qilinadigan materiallar quyidagi ko’rinishda taqdim qilinishi mumkin:
- § Nashriy OAV (gazeta, jurnallar).**
- nashriy ommaviy axborot vositalarida e’lon qilingan (350 ta so’zdan kam bo’lmagan) ishlarning asli yoki yetarlicha sifatda skaner qilingan nusxasi (sahifa va sarlavhani ko’rsatgan tarzda) hamda maqola matnining elektron ko’rinishi.
- § Internet (saytlar, bloglar —.UZ domeni):**
- internet nashrlarda e’lon qilingan (hajmi 350 ta so’zdan kam bo’lmagan) ishlar matnining elektron nusxasi va internetda materialning joylashgan manzili.
- § Televideniye, radio, vloglar (YouTube, Mover, Instagram va boshqa ijtimoiy tarmoqlar):**
- televizion lavha (davomiyliги 3 minutdan kam bo’lmagan) — fayl va/ yoki elektron manzil, qaysi kun va vaqtda e’fira uzatilgani to’g’risidagi ma’lumot bilan birgalikda;
- radioreportaj (davomiyliги 3 minutdan kam bo’lmagan) — fayl va/ yoki elektron manzil, qaysi kun va vaqtda e’fira uzatilgani to’g’risidagi ma’lumot bilan birgalikda.
- Tanlovga taqdim qilingan materiallar egasiga qaytarilmaydi va taqzir qilinmaydi.

BAHOLANISH MASALALARI

Barcha taqdim etilgan ishlarni mustaqil ekspertlardan iborat hakamlar hay’ati baholaydi. Jamoatchilikda mavzu ko’targan va mavzuni ochishda o’ziga xos yondashuv bilan ajralib turgan materiallarga ustuvorlik beriladi.

YAKUNIY ISHLAR

«Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili» tanlovi g’oliblari va laureatlari uchta nominatsiya bo’yicha aniqlanadi:

- Internet va bosma ommaviy axborot vositalari (gazetalar, jurnallar, saytlar, bloglar — .UZ domeni).
 - § Ikkita birinchi o’rin — netbuk.
 - § To’rtta ikkinchi o’rin — smartfon.
 - § Olitta uchinchi o’rin — qattiq disk.
 - § Beshta rag’batlantiruvchi mukofot — elektron soat.
- Televideniye va radio, vloglar (YouTube, Mover, Instagram va boshqa ijtimoiy tarmoqlar)
 - § Birinchi o’rin — netbuk.
 - § Ikkita ikkinchi o’rin — smartfon.
 - § Uchta uchinchi o’rin — qattiq disk.
 - § Beshta rag’batlantiruvchi mukofot — elektron soat.

Tanlovning har bir ishtirokchisiga «COSCOM» MChJ («Ucell» savdo belgisi) tomonidan esdalik diplom taqdim etiladi.

Sovrinlarni mustaqil ekspertlardan iborat hakamlar hay’ati taqdim etadi.

Arizalarni qabul qilishning oxirgi muddati — **2020-yil 1-dekabr.**

Natijalarni sarhisob qilish va e’lon qilish 2020-yil 8-dekabr kuni O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni arafasida bo’lib o’tadi.

Sovg’alar va diplomlarni topshirish kuni qo’shimcha ravishda 2020-yil dekabr oyida ommaviy tadbirlarni o’tkazish talablariga qarab individual ravishda e’lon qilinadi.

«Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili» tanlovi uchun ishlar quyidagi manzil bo’yicha qabul qilinadi:

«COSCOM» MChJ

100031, O’zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri

V. Vohidov ko’chasi, 118-uy.

Tel .: +998931710051. Faks: +99878 1479803

Elektron pochta: Gulshan.Akobirova@ucell.com («Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili» tanloviga, deb yozilsin).

Tanlovga ariza:

Ishirokchining to’liq ismi

Ishirokchi to’g’risida ma’lumot (shahri, yoshi, o’qish (ish) joyi, ishtirokchi hamkorlik qiladigan OAV)

Ijodiy ishing nomi.

Creative competition for journalists:
Digital Uzbekistan — 2030

Mobile operator «COSCOM» LLC (Ucell trademark) announces a creative thematic competition for journalists: «Digital Uzbekistan — 2030».

Works for the contest «Digital Uzbekistan — 2030»

accepted at:
COSCOM LLC
100031, Republic of Uzbekistan, Tashkent city
Street V. Vakhidova, house 118.
Tel .: +998931710051. Fax: +99878 1479803
Email: Gulshan.Akobirova@ucell.uz (note on the contest «Digital Uzbekistan — 2030»)

Application for the competition:

FULL NAME _____
Information about the participant (city, age, place of study (work), the media where participant collaborates)
Position.
More information you can get here.

ТЎРТ ЮЗ ТЕРИМЧИНИНГ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ЗАМОНАВИЙ МАШИНА

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИШЛАРИГА БИР НАЗАР.

Чунки мазкур қарор асо-сида биринчи босқичда, яъни 2020 — 2022 йилларда Жиз-зах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тош-кент вилоятларида, иккинчи босқич — 2023 — 2026 йилларда респу-бликамизнинг қолган ҳудудларида пахта ҳосилини йиғиштириб олишни механизациялаштириш ишлари жа-даллаштирилади.

Шунингдек, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томо-нидан пахта териш ишларига жалб қилинадиган пахта териш машинала-ри хизматидан фойдаланганлик учун ҳаражатларнинг 30 фоизини Молия вазирлиги томонидан қоплаб бериш амалиётини 2020 йилда сақлаб қолиш белгиланди.

Техника битта, вазифаси эса бир нечта

Битта техника билан ҳам етилган пахтани териб олиш, ҳам ерни текис-лаш, шугдорлаш ёки гўза қатор ора-ларига ишлов бериш — бу, бизнингча ҳар бир фермернинг орзуси бўлса ке-рак. Ахир ким ҳам шундай универсал техникаси бўлишни хохламайди, дей-сиз. Эътиборлики, бизда, аниқроғи, “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” акциядорлик жамиятида ана шундай техника ишлаб чиқарилмоқда. Бунга кўни кеча мазкур корхонага уюштирилган пресс-тур давомида гувоҳ бўлдик.

— “СЕ-220” русумли пахта те-риш машинаси трансформер ша-клида ишлаб чиқарилмоқда, — дейди заводнинг бош технологи Мурод Эргашев. — Яъни ундан нафақат пахта терими мавсуми-да, балки йил — ўн икки ой фой-даланиш мумкин. Демак, техни-ка пахта теримидан сўнг бекор турмайди. Фермер ёки кластер битта техника орқали кўп ишла-рини бажариб олади. Бу эса, табиийки, маблагни тежайди.

Шу билан бирга, териш машинаси агрегатини далалар қатор ораси кенг-лигига мослаштириб, соझаш имко-нияти мавжуд. Шунингдек, терим ап-

паратидаги икки томонлама барабан ҳамда “Extenda-Wear™” горизонтал шпинделларнинг уч поғонали тишла-ри пахта хом ашёсини самарали те-ришни, шпинделдан енгил ечилишни ва узоқ муддатли сифатни таъмин-лайди.

Бу янги авлод пахта териш маши-насининг иш унумдорлиги кўнига 20 тоннагача бўлиб, 400 нафаргача теримчи ўрнини босади. Яна бир қўлайлиги кичик пахта майдонларида ҳам ҳосилни тера олади.

Умуман олганда, жамият томони-дан юқорида номи келтирилган қарор ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар диққатга сазо-вор. Хусусан, жорий йилги мавсумга 850 дона замонавий, юқори самарали пахта териш машинаси ишлаб чиқа-рилиб, ҳудудларга етказиб бериш ре-жалаштирилган. Шундан 550 донаси “СЕ-220” русумли (“Case”) горизон-тал шпинделли, 300 донаси “МХ-1.8” русумли вертикал шпинделли пахта териш машиналаридир.

Маҳаллийлаштиришга эътибор катта

— Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи заводимиз нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё-да ҳам ягона ҳисоб-ланади, — дейди жа-мийнинг инвестиция ва маҳаллийлашти-риш бошқармиси бошлиғи Мирзаали Шералиев. — Бу ерда саккиз турдаги қишлоқ хўжалиги те-хникаси ишлаб чиқа-рилади. Шулардан пахта териш маши-наси икки хил. Янги “СЕ-220” русумли пахта териш маши-наси иш унумдорли-ги юқоридаги билан ажралиб туради. У ҳар тарафлама қўлай ва замонавий.

Унинг лойиҳаси АҚШнинг “СНН” компанияси мутахассислари томони-дан ишлаб чиқилган бўлиб, 2018 йил-

да биз ушбу машина лицензиясини тўлиқ сотиб олиб, ўзимиз-нинг бренд остида ишлаб чиқишга кириш-дик ва ўтган йили 50 та техникани таж-риба сифатида далага чиқардик. Айтиш керак, у синовдан муваффа-қиятли ўтди.

Бугунги кунда ма-ҳаллийлаштириш дара-жасини 20 фоиздан оширдик. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади ва йил охи-ригача 30 фоизга ет-казиш режалаштирил-моқда.

Пахта териш маши-наларининг мавсумда узлуқсиз ишлашини таъминлаш ҳамда пахта терими сифатини ошириш мақсадида, ҳар бир сотиб олинаётган пахта териш машинасига 2 нафардан механизатор малака оши-риш курсига жалб этилиб, серти-фикат берилмоқда.

Пахтани машинада териш учун да-лаларни тайёрлаш ва пахта териш ма-шиналаридан самарали фойдаланиш бўйича фермерлар ҳамда пахта-тўқи-мачилик кластерлари билан семинар-лар ўтказилмоқда.

Тижорат банклари томонидан аж-ратилаётган паст физили кредитлар ҳисобиغا “СЕ-220” русумли пахта те-риш машиналари 10 йил, “МХ-1.8” ру-сумлиси эса 7 йил муддатга пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликларига етказиб берилмоқда.

Соҳанинг ривож, биринчи навбат-да, халқимиз озиқ-овқат хавфсизли-гини таъминлашга, қишлоқ хўжалиги-га замонавий технологиялар олиб ки-рилишига, механизация ва сервис хиз-мати кенгайишига, қўллаб иш ўрин-лари ташкил этилишига хизмат қилади.

Самарадорликни оширишга хизмат қилувчи стратегия

“Тошкент қишлоқ хўжалиги техни-каси заводи”нинг модернизация қилинишида Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2020 йил 8 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилот-лари фаолиятининг самарадорлиги-



Хосон ПАЙДОНОВ олган суратлар.

ни оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам муҳим аҳамият касб этяпти, албатта. Чунки ушбу ҳужжатга мувофиқ, “Ўзғроса-ноатҳолдинг” АЖнинг қатор хўжалик субъектлари улушлари “Ўзавтосано-ат” АЖга ишончли бошқарувга бе-рилганди. Шу жумладан, “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖнинг акциялари тўлиқ “Ўзавтоса-ноат”га топширилган.

Айни пайтда “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан “Тошкент қишлоқ хўжали-ги техникаси заводи”даги ишлаб чиқариш ва корпоратив бошқарувни оптималлаштириш бўйича қатор стра-тегиялар ҳамда дастурлар ишлаб чи-қилган. Уларни амалга ошириш учун корхонага автомобилсозлик тармо-ғидан 200 нафар мутахассис жўна-тилди. Қабул қилинган дастурлар до-ирасида корхонада ахборот, бошқа-рув, ҳисоб-китоб ва сифат назорати тизимлари татбиқ этилди. Техноло-гик жараён, ички логистика ҳамда менежментнинг тубдан ўзгариши са-бабли ўтган икки ой давомида сал-моқли натижаларга эришилди — ишлаб чиқариш ҳажми кўнига 5 дона техникадан 40 тагача етказилди.

“Ўзавтосаноат” тармоғи малака-ли кадрларнинг ишлаб чиқариш кор-хоналарини ташкил этиш ва бошқа-ришдаги тажрибаси, илмий ҳамда технологик имкониятлари икки тармоқ-нинг самарали кооперациясига асос бўлди. Бугунги кунда “Ўзғротехса-ноатҳолдинг” тузилмасига кирган

ишлаб чиқариш корхоналари ўз ишлаб чиқариш қувватларининг 50 фоизидан камроғини ишлатмоқ-да. Юклама пастлигининг асосий са-баби экспорт бозорлари тизимининг ривожланмаганлиги, ички бозорда қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш учун молиявий воситалар ҳамда махсулотни сотиш ва менежмент ма-салаларида тизимли ёндашувнинг мавжуд эмаслигидир.

“Тошкент қишлоқ хўжалиги техни-каси заводи”даги бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини янада такомиллаштириш йил охирига бо-риб ишлаб чиқариш қувватларини 80 фоизгача ишга солиш имконини беради. Бу корхоналарнинг молия-вий фаровонлиги, уларнинг рақобат-бардошлилиги ва экспорт салоҳияти ўсишига сабаб бўлади.

Қисқача айтганда, бугунги кунда юртимизда қишлоқ хўжалиги техни-каси, хусусан, пахта териш машина-ларига талаб ҳам эмас. Жамиятда амалга оширилаётган лойиҳалар, ўзгариш ва модернизациялаш жара-ёни ана шу талабларни қондириш-га қаратилганлиги билан аҳамиятли.

Жамият ўз олдида улкан мақсад-ларни қўйган. Унинг бугунги фаоли-яти эса ушбу вазифаларни бекаму кўст бажариш йўлидаги сазй-ҳара-катлардир. Эеро, унинг ҳар бир бўли-мида, ҳеҳида иш қизгин.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).



фаолияти давомида услубий қўлланма сифатида фойдала-нади. Миллий давлатчилиги-миз ҳамда ўзлғимиз тим-соли сифатида мазкур қўлланмалар бу йил 21 ок-тябрь — Ўзбек тили байра-мини нишонлаш олдидан ки-тобхонларга муносиб совға бўлди.

Адиба УМИРОВА («Халқ сўзи»).

ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ УЧУН ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Давлат тили ҳақида”ги Қонун ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзбек тилининг мақоми ва истиқболи аниқ белгиланган.

Янги наshr

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиди Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожланти-риш департаменти, Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори ин-ституту ҳамкорлигида қайта ишланган ҳамда тўлдирилган “Давлат тилида иш юритиш” амалий қўлланмасининг тақ-димоти ўтказилди.

Таъкидланганидек, Ватани-миз мустақилликка эришгач она тилимиз ўзининг ҳақиқий ўрни ва маъкеига эга бўлди. Бугунги кунда ҳам ўзбек ти-лининг давлат тили сифатида нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган қўллаб ишлар амалга ошириляётди. Замон шиддат билан ривожланиб, тараққий этаётган бир пайтда айнан бу китобга эҳтиёж бор эди. Шу маънода, уни давлат

тилида иш юритиш учун зарур қўлланма бўлди, дейиш мум-кин. Унда ташкилот ҳамда муассасаларнинг иш юритиш фаолиятида энг кўп қўллана-диган ҳужжатлар, уларни ту-зиш тартиб-қоидаларига урғу берилгани, мазкур ҳужжатлар тегишли намуналар билан кўрсатилгани, бундан ташка-ри, иш юритишга оид лўғат-лар киритилгани эътиборга молик.

Дарҳақиқат, муомала, му-лоқот, нутқ маданияти, ёзма

ва оғзаки маданият, аввало, грамматика қонун-қоидалари-ни яхши ҳамда чуқур билич-дан бошланади. Бу тилимиз-да Амир Темуру даврида юзлаб расмий, ҳарбий тушу-нчалар бўлган. Ҳозир уларнинг аксарияти унутилган, қўла-нишдан чиққан, яъни бошқа тилдан қирган тушунча, қолип ва атамаларга ўрин бўшатиб берган эди. “Давлат тилида иш юритиш” амалий қўллан-маси неча йиллик маданий меросимиз асосида қайта иш-лангани ҳамда тўлдирилган наشري бўлгани билан аҳами-ятлидир.

“Ўзбекистон нашриёти” ДҚда 3 минг нусхада чоп этил-ган мазкур китоб — 4 606, 528 бетдан иборат. Шунинг-дек, Давлат тилини ривож-

лантириш департаменти Ер ресурслари, геодезия, карто-графия ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан ҳам-корликда “Ўзбекистон Респу-бликаси география объектлари номларининг давлат тилида ёзилиши йўриқномаси” ҳамда “Қорақалпоғистон Республи-каси география объектлари номларининг ўзбек тилида ёзилиши йўриқномаси” каби амалий қўлланмаларини ҳам тайёрлади.

Улардан ҳудудий бошқарма, корхона ва ташкилотлар хо-димлари, географик объек-тларга ном бериш ҳамда улар-нинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича республи-ка ва Қорақалпоғистон Рес-публикаси, вилоятлар, туман, шаҳарлар комиссиялари иш

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

илмий-тадқиқот муассасалари тасарруфидagi таянч докторантура ва докторантурага 2021 йил учун қуйидаги илмий йўналишлар бўйича

КАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

- физика-математика ва техника;
- табиий фанлар;
- ижтимоий-гуманитар фанлар.

Қабулга тегишли барча зарур маълумот ва талаблар билан Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда марказлари ва минтақавий бўлимларида танишиш мумкин.

Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 сентябридан 15 октябригача қабул қилинади.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантура учун суҳбат 2020 йилнинг 1 ноябридан 25 ноябригача бўлиб ўтади.

Таянч докторантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширади:

- чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил);
- мутахассислик.

Таянч докторантурага кирувчи номзодлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;

— муайян илмий натижаларга, шу жумладан, диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган **камида битта илмий мақола** ҳамда илмий-амалий конференцияларда тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган **иккита маъруза-тезисга** эга бўлиш;

— хорижий тилини магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиш;

— замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, интернетдан фойдалана олиш.

Докторантурага кирувчи номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

— фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёҳуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда тан олинган илмий даражалар;

— фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёҳуд уларга тенглаштирилган бошқа **илмий даражалар олингандан сўнг** муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган **камида учта илмий мақолага** ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида **камида иккита тезисга** эга бўлиш.

Бошқа шахарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланади.

Қўшимча маълумот ва қабул квоталарини www.academy.uz сайтидан олиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 71-233-59-46, 71-236-77-07.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

71-232-10-63,
71-232-11-15.

E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Тошкент шаҳридаги Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети-нинг филиали жамоаси филиал директори, академик Қаландар Абдурахмоновга турмуш ўртоғи Бибойша АБДУРАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилиш

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.	• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.	Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғафоров.
Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.	Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.
Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.	

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.25 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6